

11.01.2022 даги

Лобар Кумуш Жасурбек МЧЖ ва Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасида 6740000,00 сўм умумий
суммага тузилган 01 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860062407073102054001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252300			
Январь	6 740 000,00			6 740 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	6 740 000,00			6 740 000,00

Жами 6740000,00 сўм

Олти миллион етти юз қирқ минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 2022000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
100% ***2022 йил январь ойида тўланиши лозим.

○ бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада
такдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши
лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар
кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

(ИМЗО)

Хожиев Авазбек Ярашевич

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(ИМЗО)

Имомов Улугбек Сайфуллоевич

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(ИМЗО)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(ИМЗО)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 01

Пешку туман

«11» «январь» 2022 йил

«Лобар Кумуш Жасурбек» МЧЖ кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Узининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбар Л.Жахонова. номидан, бир томондан ва Пешку туман Тиббиёт бирлашма, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, узининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бош врач А Я Хожиев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№ т/р	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Бахоси
1	Кефир (2,5% дан кам бўлмаган).	литр	1190	3500	4165000
2	Сметана (ёғ микдори 25% ,450 гр).	дона	200	5500	1100000
3	Гречка	кг	75	15000	1125000
4	Перловка	кг	50	7000	350000
4	Жами:-	кг	xxx	xxx	6740000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати:«01»«январь » 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **6740000(олти миллион етти юз кирк)** сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори **2022000** сўм, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов **2022 йилнинг январь** ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **4710000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг **70** фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг **2022 йил "31"январгача** амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24-августдаги 241-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, **30** фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутлиниши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги хақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчинини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар хақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatта олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда неустойка тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан пеня тўлайди, лекин ушбу сумма 50 % дан ошмаслиги керак.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20% миқдоридан жарима тўлайди:
- 5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 20% миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома гaзначиликдан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ҳамда 2022йил 31декабргача амалда булади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
 - томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
 - Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА ҚИРИШИ

- 7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018йил 27 сентябрдаги ПК-3953сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилги 684-сонли Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва 2014йил Январдан 122модда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг гaзна ижроси қоидалари 2016йил 22 декабрда 2850-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал-қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Гaзначиликда руйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. Форс-мажор.

- 8.1 Томонларга боғлиқ булмаган ҳолатлар “Ёнгин, сув тошқини шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари,” агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.
- 8.2 Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома узатиш мажбурийдир.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўлади.
- 9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иктисодий суди тартибида ҳал қилинади.
- 9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса иктисодий судларда ҳал қилинади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

- 10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«Лобар Кумуш Жасурбек» МЧЖ

(Лобар етказиб берувчи оқил хизмат кўрсатувчидининг номи)

Манзил: Янгибозор МФЙ Ул чикирчи.н ура

Тел./факс: 941264481

х/в: 20208000905086331001.

Банк номи: «АТ.Халк банки Пешку Ф.

МФО: 00674 ИИН: 306 483 899.

ОКОНХ: 71150.

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Пешку туман Тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Пешку туман Янгибозор кучаси №1 уй

Тел.факс: 35-31-700; 35-32-473

ш/х*в: 100022860062407073102054001.

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200883606

ОКОНХ: 91511

Ҳазначилик бўлинимаси номи: Пешку тумани бўйича Ҳазначилик булинимаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010.

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинимаси СТИРи: 201122919


Раҳбар:



Л. Жаҳонова.

(ф.и.ш.)

Раҳбар:



А. Я. Ҳожиёв


**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyihaning turi – shartnoma
2. Loyihaning nomi – "Lobar kumush Jasurbek" MCHJ va Peshku tuman tibbiyot birlashmasi o'rtasida oldi-sotdi (sut)mahsulotlari yetkazib berish shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Peshku tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 17.01.2022 yil ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i:



D.Qo'shayev

2022 yil «18» yanvar